# ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

*Қишлоқларни яёв кезганда...*

***Халқимизнинг машҳур нақлига зид бу жумлани ўқиб ҳайрон бўлманг. Негаки биз тилга олмоқчи бўлган соҳибкорнинг хонадонида май ойида ҳам шира бойлаган кузги узумни тановул қилиш мумкин.***

## УЗУМИНИ ЕНГ-У... БОҒИНИ СУРИШТИРИНГ

Мошгуруч соқолмўйлови нурли чеҳрасига кўрк бағишлаган Абдулҳамидҳожи акани йўқлаб борганимда, узум очиш билан банд экан. Дуои фотиҳадан сўнг, ундан: «Узумни очадиган вақт энди бўлдими?» — дея сўрадим. Ҳожи ака тасдиқ аломатини қилиб, менга тушунтирган бўлди:

— Баъзи бир боғбонлар «ердан чувалчанг чиқди»деб узум очишса, айримлари тол ходанинг қовуғи ажралиб, попук чиқарганда бу ишга қўл уришади. Ота-боболаримиз «Бешта қовул ўтди, беҳи гуллади» дея узум очишга киришишарди. Мен шунга қараб, сал кечроқ очаман. Узум парваришини ўрнига қўйган одам асло кам бўлмайди.

Хонадон соҳиби узумчиликда ўзига хос тажрибага эга. Ҳар йили хонадонда тонна-тонна юқори сифатли узум етиштиради ва май ойининг охирига қадар ҳам қаҳрабо мевани сақлайди.

Аввалги йили, май охирлаб қолган кезда ёзёвонлик бир одам Абдулҳамид аканикига узум излаб келади. Миришкор боғбон унинг қўлига янги узилгандек товланаётган уч килодан мўл узумни тутқазади. Меҳмон ҳожати раво бўлганидан мамнун бўлиб, мўлжалдагидан анча кўп пул узатади. Боғбон пулнинг ортиқчасини олмай, қайтариб берибди: «Сиз туфайли мушкулим осонлашди, бундан кўп пулни йўлкирага ҳам сарфлаб, юбордим, олаверинг». Уй эгаси шунда дебди: «Излаганингиз топилганига хурсанд бўляпсиз, тўғрими?» Меҳмон «ҳа» ишорасини қилибди. «Мен ҳам пулингиздан барака топсам хурсанд бўламан, — гапини давом этибди у. — Барака кўп пулдамас, ҳалол пулда бўлади. Шунинг учун пулнинг ортиғи керакмас, биродар». Ноилож қолган бояги кимса унинг айтганига кўнибди. Меҳмон қайтар чоғида ҳожи ака ундан ёз нафаси келиб турган кезда узум нега зарур бўлиб қолганлигини қизиқсиниб сўрабди. Ёзёвонлик аёлининг кўнгил истаги учун олаётганлигини билдирибди. Бу гапдан мезбон енгил тин олиб: «Худога шукр, яхшиликка экан, мен порамоpaгамикин, деб ўйловдим» дея, қўлини дуога очибди...



— Баъзи одамлар узумимиз ириб кетди, чириб кетди дейишади. Бунга нима дейсиз? — сўрайман уста боғбондан.

— Бу одамнинг ўзига, узум билан «тиллашиши»га боғлиқ. Миришкор боғбонларнинг узумчиликка оид кўп китоблари бор. Улар билан танишсангиз, узум парваришининг агротехникасини яхши билиб оласиз. Мен узумчиликка оид неки китоб бўлса ўқиб бораман, тажрибаларни ўрганаман, амалда қўллаймиз. Шукрки, самараси ёмон бўлмаяпти.

Ўттиз беш йилдан бери хонадон шароитида узум парваришлаб келаётган Абдулҳамидҳожи ака Абдурасулов беш ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказди. Ўз таъбири билан айтганда, «шу узум» ёрдамида уларни уй-жойли қилди, қизиқишларига қараб, автомашиналар олиб берди. Эндиликда фарзандларининг хонадонлари ҳам сархил узум навларига тўла.

... Мабодо узум растасига кириб қолсангиз, баркашда товланиб турган ноз-неъматни кўринг-у боғбонини суриштиринг, «Избоскан туманининг Яккатутидаги Тўраобод маҳалласида яшовчи Абдулҳамиджон ака етиштирган» десалар, иккиланмай харид қилинг. Негаки бу емишга чин инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган нуроний отахоннинг қалб қўри сингиб кетган.

**Амирхон СУЛТОНОВ,**
**халқ таълими фахрийси**



## ЭЙ ДЎСТ!

киши меҳнат қилиб, оила тебратаяпти. Умуман, қишлоқ хўжалигида изчил рўёбга чиқарилаётган ислоҳотлар тезда ўз самарасини кўрсатяпти, бир сўз билан айтганда, энди деҳқоннинг косаси оқармоқда.

Бу фикрни наинки фермерлар, балки бутун туман иқтисодий-ижтимоий ҳаёти мисолида далиллашимиз мумкин. Даромадга қараб буромад деганларидай, ўтган йили пахтачиликнинг ўзидан 896 миллион сўм фойда кўрилди. Натижада туманда газлаштириш 52 фоиздан 92 фоизга етказилди. Аниқроқ айтганда, 17,6 километр масофага газ қувурлари тортилди. Соҳил, Бодроқобод, Бўстон қишлоқларида сув таъминоти яхшиланди. Бир қанча аҳоли масканларида электр энергияси қуввати оширилди. Туман марказидаги истироҳат боғи, 300 миллион сўмлик буюм бозори, 3 та қишлоқ врачлик маскани, 6 та мактаб тўла таъмирланганида замирида ҳам Пахтаободда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида шаҳдам қадамлар ташланаётганлиги яққол кўринади.

Биз бу гапларни мақтаниш ёки қилинган ишларни кўз-кўзлаш учун айтаётганимиз йўқ. Фақат шуни қайд этмоқчимизки, айрим кишилар халқимизнинг яратувчилик шижоатидан кўз юмиб, тирноқ орасидан кир қидиришар экан. Ўтган йилнинг 13 май воқеалари фикримизнинг исботидир. Ўзингдан чиққан балога, қайга борай даъвога, деганларидек, юртбузуқи, номард кимсаларнинг хунрезликлари туфайли қанча бинолар шикастланди, яна ҳам аянчлиси, эл-юртнинг осойишталигига раҳна солинди.

Халқимиз бундай бадкирдорликни ҳеч қачон унутмаслиги аниқ эди. Худди шу кайфият барчамизда ғазаб уйғотган бир пайтда, муҳтарам Президентимиз яна бир бор оталарча ғамхўрлиги ва тантилигини кўрсатдилар. Ўша ғаламисларни «улар ҳам менинг фарзандларим» деб, айбига иқрор бўлганларни мардларча кечирди. Ўша машъум воқеадан сўнг, орадан бир йилга яқин вақт ўтаяпти. Юртбошимизнинг халқпарварлиги ҳамон қалбимизда ҳаяжон уйғотмоқда, бизни ҳам эзгуликка даъват этмоқда. Ўйлаб қарасангиз, қайси бармоғингизни тишласангиз ҳам бир хилда оғрийди. Демак, энг аввало, жамиятда барқарорликни ўрнатиш учун фақат давлатимиз раҳбари, ҳуқуқ-тартибот ходимлари, бошқарув органлари эмас, шу азиз юрт меники, деган туйғу юрагига жойлаган ҳар бир фуқаро астойдил қайғуриши керак экан. Хўш, биз мана шундай синовга тайёрмизми? Теварак-атрофимизда юз бераётган воқеа-ходисалардан тўла хабардормизми? Қўшнимиз тинчми, маҳалла-кўй бугун қандай нафас олаяпти, тирикчилиги қай аҳволда?

Ҳаёт жуда қизиқ ва айни чоғда мураккаб: негаки, ёлғиз шахс, ёлғиз маҳалла, ёлғиз элатнинг тўла-тўкис бахтга эришиши афсона. Бахт-саодат кўпчиликка тегишли. Худди қуёш каби барчага баробар нур, меҳр, саховат ёғдира олмас эканмиз, тугал маънодаги тўкисликка эриша олмаймиз.

Ана шуларни мушоҳада этиб, бир яхши ташаббус бошладик. Ҳар хил диний оқимга қўшилганларни аниқлаб, назоратга олдик. Биз ана шулардан ишсиз юрган бир нечтасини фермер хўжаликларига жалб этдик. Бугунги кунда Нуриддин Тошматов, Ҳайбатилло Найманов, Зиёдулла Бахтиёровлар далага чиқиб, ҳалол меҳнат қилаяпти.

Бошқалари ҳам асосан фермер хўжаликларига бириктиб қўйилди.

Тўғрисини айтганда, масаланинг бу тахлит қўйилишида ибрат бор. Негаки, ҳар қандай тирик жонни ёмон деб ўзингдан четлатсанг, албатта, ўша одамда яхшилик фазилатлари камайиб бораверади, кейинчалик одамови бўлиб, турли жиноят кўчасига кириб қолади. Шунинг учун ҳам Фаридиддин Аттор:

Қилган ишим бўлмасин деса бас,
Эр фақат ўз мақсадини ўйламас!» — деб ёзган эканлар.

Бу ёруғ дунёни фақат эзгулик қутқаради. Яхшилик дунёнинг калитидир. Ҳадисда айтилишича, одамлар билан муросаю мадорага киришиш ҳам садақа ҳисобланади. Ҳар бир мусулмон фарзанди ўзига соғинган саодат қўрғонини ўзгаларга ҳам илиниб яшамоғи шарт. Ана шундагина бахтимиз бут, ҳаётимиз тўкис, юртимиз фаровон бўлгай.

Бизнинг бу ташаббусимиз вилоят миқёсида кенг ёйилаяпти.Зеро эзгулик уруғи тез унади.

**Абдухалил ота РАҲМОНОВ,**
**«Халил ота» фермер хўжалиги бошлиғи,**
**Тўқлибой ота ТОЖИБОЕВ,**
**«Тожибой ота» фермер хўжалиги бошлиғи,**
**Бобохон ЮНУСОВ,**
**«Ҳовузкент жавоҳир» фермер хўжалиги бошлиғи**

*Ифтихор*

***Таҳририятимизга келган Андижон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар мактабининг директори Равил Ҳамраев ўтган йили баҳорда «Андижоннома» газетасида чоп этилган «Бедананинг уйи йўқ...» сарлавҳали мақоласидан кейин вилоят халқ таълими бошқармаси мактабга шароит яратишга эътиборни кучайтиргани ва ниҳоят маъмурият учун жой ажратилганлигидан мамнунлигини изҳор этди.***

***Мактаб мураббийлари, ёш спортчиларнинг ютуқлари ҳақида фахр билан гапирди.***

## ТАЛАНТЛАРИ БИСЁР ГЎША

Чиндан ҳам мактабда мақтовга арзигудек натижаларга эришилмоқда. Ўтган йили қиличбозлардан Рустам Дўстмуҳаммедов, Руслан Кудашев Малайзияда ўтказилган Осиё биринчилигида бронза медалларини қўлга киритишиб, халқаро тоифадаги спорт усталари талабини бажардилар. Р.Кудашев эса Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этиб, 2008 йили Хитойда бўладиган жаҳон олимпиадасига йўлланмани нақд қилиб қўйди. Бу ютуқларда мураббийлар Ринат Семенеев, Борис Сосиновларнинг хизматлари катта. Улар 8 нафар республика чемпиони, 30 нафар Ўзбекистон чемпионати совриндорларини тарбияладилар. Мактаб қиличбозларининг 13 нафари бугунги кунда республика терма жамоасининг аъзоларидир.

Ёш боксчиларга Т.Узгунов, Ш.Абдуллаев, Б.Жўраев, Б.Мадумаров каби фидойи мураббийлар устозлик қиладилар. Олимпиада ва жаҳон чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам айнан уларнинг қўлида катта спортга дастлабки қадамни қўйган. Ҳозир уларнинг тарбияланувчиларидан 3 нафари - Элёр Ғуломов, Равшан Худойназаров, Улуғбек Абдурасулов Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига аъзодирлар. Яқинда Чирчиқ шаҳрида бокс бўйича ўтказилган ўсмирлар ўртасида республика чемпионатида А.Орипов биринчи, М.Бойматов иккинчи ўринни эгаллашди.

Мактабнинг ёш полвонлари мураббийлардан Г.Каримов, С.Пардаев раҳбарлигида катта ютуқларга эришмоқдалар. Ўтган йили миллий кураш бўйича республика биринчилигида ёш полвонлардан Ш.Лутваев биринчи, Д.Муродов иккинчи ўринни қўлга киритдилар. Тошкентда ўтказилган «Паҳлавон» беллашувларида 5 спортчи ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқишди.

Кейинги йилларда мактабнинг рейтинги нафақат вилоятда, балки республикада ҳам юқорига ўсмоқда. Эндиликда у ўз маъмурий биносига эга бўлиб, мураббийлар учун шароит яхшиланиб боряпти. Бокс ва қиличбозлик заллари таъмирланди. Бу йил янги қиличбозлик ва кураш заллари ишга тушади. Бунда вилоят халқ таълими бошқармаси ва ҳомийлар, жиноий ишлар бўйича вилоят суди, «Андижонёқмой», «Андижонматлуботсавдо» ҳиссадорлик жамиятлари, Андижон «Нефтмаҳсулотлари» унитар базаси, «ЎзДонгЖуПенко» қўшма корхоналари яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

**Т. СИДДИҚ**



*Марҳамат туманидаги «Шуҳрат» кўп тармоқли фермер хўжалиги механизатори Рўзибой Усмонов.*

**Х.АРАББОЕВ**
**олган суратлар**

*Маҳалла — ватан ичра ватандир*

## ЭНДИ АНГЛАДИМ, —

### дейди Хурсандлик маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Хосиятхон опа Дадабоева

Шу ўйлар қалбимда ўз Ватаним, жон Андижоним ва, албатта, ҳамиша ғамхўр Юртбошимга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббатимни янада оширди.

Давлатимиз раҳбарининг вазиятни нақадар тўғри ва адолат нуқтаи назаридан баҳолай билишига тан бердим. У киши айтдиларки, «ўша билиб-билмай хатога йўл қўйган йигитлар ҳам менинг фарзандларим. Мен андижонлик ёшлар сочининг бирон толаси тўкилишига йўл қўёлмайман. Бу воқеани сабр-бардош ва чидам билан ечимини топмоқ зарур».

Қаранг, нақадар бағрикенглик бу. Ҳаттоки, жиноят кўчасига кириб қолган бебош, тарбияси ожиз кимсаларни ҳам аяб гапирдилар, келажагини ўйладилар. Бу юрт отасига хос чинакам олижанобликдир.

Шу мушоҳадалардан кейин беихтиёр ўз маҳаллам ҳақида, унинг ажойиб, ҳунарманд, иқтидорли ёшлари ҳақида ўйладим.

Аслида маҳалламиз ўз номи ўзи билан Хурсандлик. Бизда вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик йўқ. Аксинча улар ўсмирлигидан бошлаб бирон ҳунарнинг этагидан тутишади.

Мисол учун, ЮНЕСКО аъзоси Мирзабаҳром Абдуваҳобовлар оиласини олайлик. Уларнинг сулоласи неча йиллардан буён кулолчилик касбини оқлаб келишади. Обиджон Мингбоевлар эса темирчилик сулоласига асос солишган.

Юртбошимизнинг дуосини олган Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев ҳам айнан бизнинг маҳалла фуқаросидир. Яна бир ўғлимиз Шокиржон Исомиддинов ўзбек миллий кураши бўйича Осиё чемпиони бўлди.

Умуман, маҳаллада гап кўп. Қаерда оқсоқоллар, онахонлар таълим-тарбия, панди-насиҳатни ибодат деб билишса, ёшларни нигоҳидан қочиришмаса, ўша жойда тинчлик, хотиржамлик, файзу-барака кўпаяверади.

*Даъват ва моҳият*

***Ушбу мақолани ёзишдан олдин кўп ўйлаб кўришга тўғри келди. Чунки ислом дини тарихи ва экстремистик ташкилотлар тўғрисида кўплаб мақолалар ёзилган. Лекин шунга қарамасдан ҳозирда кўпгина ёшлар ўзини ислом дини йўлида жабрланган киши қилиб кўрсатувчи шахсларга кўр-кўрона эргашиш оқибатида мутаассиблашиб бормоқдалар. Аслида эса ислом дини одамларга яхшиликни тарғиб қилувчи дин эканлигини унутмаслигимиз керак. Ўтган асрнинг 90-йилларида рўй берган сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар ортидан жаҳон сиёсий майдонига Ўзбекистон мустақил давлат сифатида кириб келди. Дунёнинг барча мамлакатлари ўзбек халқининг мустақиллигини эътироф этди. Мустақиллик шарофати билан масжид ва мадрасаларнинг очилишига ва мусулмонлар ўз диний маросимларини эркин амалга оширишга ҳукумат томонидан кенг шароитлар яратиб берилди. Жумладан, Андижон шаҳрида «Жомеъ» масжиди очилиб, бу тарихий масканнинг масжид ва мадраса сифатида фаолият олиб бориши учун Муҳаммадий қори, кейинроқ эса Абдували қори Мирзаевлар жонбозлик кўрсатди. Ушбу ҳаракатлар оқибатида Абдували қори Мирзаевнинг фаолияти аста-секин атрофга тарқала бошлади. «Жомеъ» масжидида олиб борилган даъват ва маърузаларда, кейинроқ маълум бўлишича, ислом динининг руҳи, моҳияти ва илмий асосларига зид таълимот сифатида танқид остига олинган «ваххобийлар» оқими ғоялари тарғибот қилинган.***

## АЛЛОҲНИ АҚЛ БИЛАН БИЛУРЛАР

«Ваҳҳобийлик» таълимоти ҳақида бутун Ислом олами, шу жумладан Ўзбекистон матбуотида ҳам тарихий манбаларга асосланган илмий мақолалар нашр этилган. Шундай бўлса-да, бу таълимотнинг баъзи қирраларига назар ташлаб, ундан келаётган хатарлар ҳақида хулоса чиқариш фойдадан ҳоли эмас.

«Ваҳҳобийлик» қарашлари 18-асрда Араб жазирасида — ҳозирги Саудия Арабистони ҳудудида яшаган Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб томонидан Ислом оламига кириб келган. Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳобнинг тарих саҳнасига кириб келишида асосан унинг олға сурган қарашлари — тавҳид ва ширк, бидъатларга қарши курашиш шиорлари остидаги даъватлари сабаб бўлган. Тавҳид тушунчаси даъватга асос қилиб олинган. «Тавҳид» сўзи Аллоҳнинг якка ва ягона эканини эътироф этмоқ маъносини ифодалайди.

Ўзи яшаб турган Араб ярим ороли ва унинг атрофидаги мусулмонлар жамиятидаги инқирозлар сабабларини ахтарар экан, Абдул Ваҳҳоб эътиборини баъзи мусулмонларнинг Исломга бегона бидъат, хурофот ва ширк амалларига ўралашиб қолганликларига қаратиб, инқирознинг асосий сабабини ана шу амаллардан деб ҳисоблайди.

Инқироздан олиб чиқишнинг йўли эса мусулмонларни «тавҳид»га даъват қилиб, бидъатларга қарши кураш олиб бориш деб белгилайди. Асарларида бу мавзуларга батафсил тўхталиб, ҳар тарафлама ўзининг даъватини мустаҳкамлайди. Натижада анчагина тарафдорларни йиғиб олади. Бу шундай хатарли мавзу эдики, унинг фожеалари кейинроқ аён бўлди.

90-йилларда Абдували қори Мирзаев томонидан илгари сурилган даъват айни Абдул Ваҳҳоб даъвати билан ҳамоҳанг эди.

Тавҳидга даъват ва бидъатларга қарши кураш шиори остидаги ҳаракатлар ҳамда жума ҳутбаларига қўшиб жамоага ўқилган маърузалар оз фурсатда шаҳардаги мусулмонларни қарама-қарши икки жабҳага ажратиб қўйди.

Маҳаллаларда, ҳатто бир оила ичида бир-бирига адоватини яширмайдиган мусулмонлар тоифаси вужудга келди. Ўртадаги жанжал мавзуси эса ислом шариат аҳкомларидаги ихтилофли фиқҳий масалалардан иборат бўлиб, асосан халқ ўртасида асрлар давомида шаклланган исломий урф-одатлар, диний маросимлардаги баъзи муаммоларни тубдан ўзгартириб, ўзларининг тасаввурида «тўғри» деб қабул қилинган қолипга солишга қаратилган эди. Узоқ йиллар давомида Ислом дини асосларини илмий асосда ўрганишдан маҳрум бўлиб яшаган ва диний билимларга ихлоси, чанқоқлиги туфайли баъзи мусулмонлар бундай «тузоқ»қа осонгина илиниб, жон-жаҳди билан янги ўрганган билимларини ҳимоя қилиш ҳамда халқ ўртасида уни ёйишга шошилар эдилар. Ҳолбуки, ўртадаги ихтилофлар ва жанжалнинг асоси оддийгина ақл билан ҳам тушуниб олиш мумкин бўлган фиқҳ қоидаларидан иборат эди. Бу юрт фарзандларининг барча диний амаллари, маросим ва урф-одатлари Ислом шариатининг эътироф этилган тўрт мазҳабининг бири «Ханафия» мазҳаби асосида шаклланган бўлиб, унга қарши қўйилган даъват асосчиси М.Абдул Ваҳҳоб эса «Ханбалия» мазҳабининг вакили эди. Бундай ҳолатда фиқҳ келишмовчилиги ва ихтилофларнинг келиб чиқиши табиий ҳол эди. Таажжубки, Абдували қори Мирзаев шу оддий ҳақиқатни англамаган ёки эътибор бермаган. Натижада диний саводи бўлмаган оддий ихлосмандлар ўртасида ҳатто бир-бирига пичоқ кўтарган жоҳилона жанжалларнинг келиб чиқишига асосий сабабчи ва рағбатлантирувчи раҳнамога айланган. Олиб бораётган даъватининг самараси жанжал, келишмовчилик, ўзаро адоват ва нафратдан иборат бўлиб бораётганини кўра била туриб, Абдували қори Мирзаев бундай даъватнинг нотўғри эканини ўз вақтида англаб, уни тўхтатиш ва йўл қўяётган хатоларини изланиб топиши лозим эди. Лекин арзонгина эришилган шуҳрат, обрў ва унинг ортидан келаётган мўмай даромадлар уни сархуш қилиб қўйганди.

Бугунги кун илм аҳли оқ ва қорани, маърифат ва мутаассибликни яхши ажратиб олиши керак. Ёшлар Қуръони карим қироъат илми ва уни ҳифз қилишга меҳр қўйсалар, бу илмни ҳосил қилиш йўлида жиддий синовлар бордирки, эҳтиёт бўлмоқ лозим. Билингки, Аллоҳнинг каломини ёд олмоқдасиз. Уни мол-дунё, одамлар орасида фалончи Қори деган ном учун эмас, илм учун, ўзлигингизни ва Раббингизни англаш, ўз халқингизга муносиб фарзанд бўлиш учун ўрганинг. Яширин ҳужраларда эмас, рухсат этилган, замонавий илм масканлари — мадрасаларда таҳсил олинг. Ана шунда чаласавод, на исломнинг руҳу моҳиятини ва на шариатнинг нозик фиқҳий нафосатларини англай олмай, ким қайси йўлга етакласа, кетаверадиган нотавон мусулмон бўлиб қолишдан ўзингизни асраб қоласиз.

Ислом илм ва маърифат динидир. Бу диннинг Ҳақ Расули Муҳаммад С.А.В. «Мен сизга икки нарсани мерос қолдираман. Модомики, у иккисини маҳкам ушласангиз, ҳаргиз адашмагайсиз. Бу, Аллоҳнинг Китоби ва Менинг Суннатимдир» — деб, васият қилганлар.

Ҳозир юртимизда фуқароларимиз ва ёшларимизнинг ислом динини чуқур ўрганиши учун барча шароитлар яратилган. Шундай экан, ислом динини ниқоб қилувчи, ўзини унинг давомчиси қилиб кўрсатувчи шахсларнинг найрангларига алданиб қолмайлик.

**Низомиддин АЛИ**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

***Мазкур қўшсаҳифани тайёрлашда яқиндан ёрдам берган Андижон вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари Ғайратжон Содиқовга, «Андижоннома» газетаси бош муҳаррири Абдуғани Даминов ҳамда «Ҳимоя» газетаси бош муҳаррири Наби Жалолиддинга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.***

**Саҳифани уюштирганлар:**
Зайниддин РИХСИЕВ
ва Абдусами
ҲАҚБЕРДИЕВ

### Истиқлолимизнинг 15 йиллигига

# ҚАЛБГА МУҲРЛАНГАН СЎЗЛАР

(Боши 1-бетда)

«ЎзДЭУавто» ва унга маҳаллийлаштириш дастури асосида бутловчи қисмлар етказиб берадиган бир неча завод ва корхоналарнинг ишга тушиши туфайли юртимизнинг аҳоли энг зич яшайдиган ҳудуди - Фарғона водийсида минглаб иш ўринлари очилди. Энг муҳими, заводда маҳаллий ёшлардан иборат, мураккаб вазифа ва муаммоларни ҳал этишга қодир, чуқур технологик жараёнлардан яхши хабардор ва замонавий компьютерларни бошқара оладиган, катта билим ва малакага эга бўлган меҳнат жамоаси шаклланди. Бу қўшма корхона Ўзбекистоннинг катта салоҳият ва беқиёс имкониятлар мамлакати эканини, эл- юртимизнинг юксак интеллектуал даражаси ва қудрати ҳеч кимникидан кам эмаслигини амалда намоён этди.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг қай бир бурчагига, шаҳар ёки қишлоғига борманг, юртдошларимизнинг ўз уйим, маҳаллам, қишлоғим, шаҳрим - бутун диёримни обод ва фаровон қилишга ҳисса қўшаман, деган ниятни дилга жо этиб, сидқидилдан меҳнат қилаётганига, уларнинг қалбу шуурида шу тупроқ, шу муқаддас замин ўзимизники, мен учун Ўзбекистондан бошқа Ватан йўқ, унинг бугуни ва эртаси аввало менга боғлиқ, деган ҳистуйғулар билан яшаётганига гувоҳ бўласиз.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки ер - ризқи-рўзимиз манбаи. Қишлоқ хўжалигини ривожлантирмасдан, саноат тараққиётини, аҳоли таъминотини, юрт фаровонлигини тасаввур этиш қийин. Шунинг учун ҳам эски тузум даврида «арзон хомашё» макони бўлиб келган Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йилларидаёқ қишлоқ хўжалиги истиқболи хусусий мулкчиликни ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда белгиланди.

Бу борада ҳар бир қарич ернинг ўз эгаси бўлган ривожланган мамлакатлар тажрибаси чуқур ўрганилди. Нафақат қишлоқ хўжалик корхоналарининг мулк шакли, балки етмиш йил ерга, мулкка жамоаники, умумники деб қараб келган ўзбек деҳқонида ҳам эгалик ҳисси уйғониб, тафаккури ўзгара бошлади....

Биз америкалик, канадалик фермерлар ҳақида ўқиб, уларни кинофильмларда кўриб, билим савияси кенглиги, ўз ишини пухта билишига ҳавасимиз келарди. Улар енгил машинани ҳам, тракторни ҳам бемалол бошқариб кетаверар эди. Бизда ҳам қишлоқ хўжалиги соҳасида янги ҳаракат - фермерликка асос солинди. Ер билан тиллашиб келаётган миришкор деҳқон бугун том маънодаги ер эгаси бўлиши учун барча шароит яратилмоқда.

Асака туманидаги Дардоқ қишлоғида яшовчи Алижон Аҳмедов ана шундай фермерлардан. У ўн йил илгари фермерлик фаолиятини чорвачиликдан бошлаган эди. Эндиликда унинг 239 гектар ери бўлиб, фермер хўжалигида 151 киши иш билан банд. Бугунги кунда улар пахтачилик, ғаллачилик билан ҳам шуғулланади.

Ҳамиша изланишда бўлган фермер АҚШ, Исроил, Туркия ва Болгария давлатларига бориб, бизда қўллаш мумкин бўлган янгиликларни ўрганиб келди. Аниқ бизнес режалар асосида банклар билан молиявий ҳамкорликни йўлга қўйди. Дастлабки олган кредитини қорамоллар зотини яхшилашга, техникасини бутлашга сарфлади. Латвиядан зотдор қорамоллар сотиб олди. Бугун у раҳбар бўлган «Оқ- сув» фермер хўжалигининг кичик корхонасида ўнлаб турдаги сут маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Марҳаматлик фермер Тожимирза Нуриев бошчилик қилаётган кўп тармоқли «Шуҳрат» фермер хўжалиги 234 гектар экин майдонига эга.

Тиниб-тинчимас фермер қишлоқ хўжалигини ривожлантириш лойиҳасида иштирок этиб, Жаҳон банки танловида ғолиб чиқди. Бир миллион икки юз эллик минг АҚШ доллари миқдорида кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Натижада маблағнинг бир қисми эвазига ўнлаб замонавий техника воситалари сотиб олди, муқобил МТП тузди. Ўзига ўхшаган фермерлар ва шахсий томорқа эгаларига 110 миллион сўмлик хизмат кўрсатди.

Ёки Сирдарё вилояти Сардоба туманилик тадбиркор З.Норбоева фаолиятидан олинган қуйидаги мисолга эътибор қаратайлик. Туман солиқ инспекцияси ходимлари арзимаган миқдордаги пул назорат-касса машинаси орқали кирим қилинмагани, бир харидорга чек берилмаганини баҳона қилиб, унга катта миқдорда - яъни, бир миллион сўм жарима солибди.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир Президент сиёсатини яхши англаб етган бу синглимиз бўш келмай, вилоят хўжалик судига мурожаат этиб, ҳақлигини исботлаб берибди. Нотўғри қўлланилган молиявий жазо бекор қилинибди.

Ҳа, фермер хўжалиги деганда фақатгина дала тушуниладиган, фермер деганда содда деҳқон кўз олдимизда гавдаланадиган замонлар ўтиб кетди. Бугун фермер нафақат уста деҳқон, балки ҳуқуқий саводхон, ишбилармонликда ҳам ҳеч кимдан қолишмайдиган тадбиркорга айланмоқда.

Юртимизда халқимизнинг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, «Ислоҳотларнинг моҳияти - инсон манфаатларини таъминлашдан иборат» деган қарашда ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг касаначиликни ривожлантириш, шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтириш тўғрисидаги қарорлари бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш учун йўл очиб берди.

Маълумки, қишлоқда турмушни чорвасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, соғин сигир қишлоқ хонадонлари учун қут-барака, тўкин- сочинлик манбаидир. Қолаверса, янги соғилган сут ичиб улғайган ўғлонларнинг илиги тўқ, билаги бақувват бўлади, деган гап бор.

- Мен уй бекасиман, - дейди Андижон вилояти Избосkан тумани Оқолтин қишлоғида яшовчи Ибодатхон Қўзиева. - Қарийб ўн йилдан бери мол боқаман. Ҳозир битта сигир, иккита бузоғимиз бор. Қишлоғимизда бундай оилалар кўп. Бизни ем-хашак муаммоси қийнар эди. Юртбошимизнинг қарорида жойларда ем сотиш бўйича алоҳида савдо шохобчалари очиш кўзда тутилгани айни муддао бўлди. Ем қидириб, овора бўлиб юришга ҳожат қолмади. Янаям қувонарлиси, энди мендек уй бекалари учун меҳнат дафтарчалари очилар экан, ёшимиз етганида пенсияга ҳам чиқар эканмиз. Бундай эътибор учун ҳукуматимиздан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди.

Айни вақтда, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олиш учун тижорат банклари томонидан микрокредитлар ажратилмоқда.

Нима учун кейинги йилларда касаначилик, хонадонларда чорва молларини кўпайтиришга жиддий аҳамият қаратилмоқда? Бу, биринчидан, ишсизлик муаммосини ҳал этиш имконини бераётир. Иккинчидан эса, оилалар бюджетига - рўзғорга қўшимча даромад кирмоқда. Учинчидан эса, уйда болачақасидан, хонадон юмушларидан ажралмаган ҳолда, ушбу меҳнат турлари билан шуғулланадиган опа- сингилларимиз, ҳунармандлар ва бошқа турли касб эгаларининг ижтимоий таъминоти йўлга қўйилмоқда.

Маълумки, ҳар бир мамлакат, айниқса, ёш мустақил давлатлар жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилади. Бундан Ўзбекистон ҳам мустасно эмас.

Халқаро масалаларда ўз қатъий позициясига эгалиги, мустақил ташқи сиёсат олиб бораётгани боис, мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда Россия, Корея Республикаси каби шерикларимиз билан муносабатларимиз янги, юқори босқичга кўтарилди.

Ўзбекистоннинг бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти каби халқаро тузилмаларда ҳам ўз ўрни ва нуфузи бор. Хусусан, мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши минтақада йирик лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, янги конларни очиш ва ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мамлакатимизда етиштириладиган пахта, чорва, қоракўл, полиз ва боғдорчилик маҳсулотлари учун янги, улкан бозорлар очилади.

Бугунги кунда, тенглик асосида йўлга қўйилган халқаро муносабатларда «Биз учун аввало Ўзбекистон манфаати, Ўзбекистон манфаати, яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир» деган нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда иш юритилмоқда. Бу ёндашув, бу сўзлар ўз Ватанини севадиган, эл- юрт ташвиши билан ҳар бир инсоннинг ҳаётий позицияси, дунёқараши билан ҳамоҳанг эмасми?

Инсон нафақат жисмоний кучи, балки қатъий эътиқоди, юксак маънавияти билан ҳам қудратлидир.

Маънавият эса буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, кўҳна тарихимиз, миллий қадриятларимиз асосида шаклланади ва бойиб боради. Бу борада мустақиллик йилларида амалга оширилган бемисл ишлар, Амир Темур, Бобур каби буюк зотлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатнинг тикланганi, Имом Бухорий, Мотурудий, Баҳоуддин Нақшбанд каби ўнлаб азиз-авлиёларимизнинг эътибор ва қадр топгани, зиёратгоҳ ва қадамжоларнинг обод этилгани хусусида такрор айтиб ўтиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Фақат бу масалага икки хил муносабатни яққол кўрсатиб берган бир мисолни келтириб ўтишни жоиз, деб биламан.

Ўтган йили Андижонда рўй берган мудҳиш воқеалар Бобур номидаги театр биносини ҳам четлаб ўтмади. Мазкур маърифат ўчоғи инсонийлик қиёфасини йўқотган террорчилар томонидан ёқиб юборилди.

- Ўша куни Ўзбекистон халқ шоири Ғафур Ғулом ҳикояси асосида саҳналаштирилган «Талвиршоҳ салтанатининг ҳангомалари» спектаклининг премьераси бўлиши керак эди, - деб эслайди театр директори, «Меҳнат шуҳрати» ордени совриндори Жавлон Тошхўжаев. - Спектакль премьераси учун ҳамма нарса тайёр эди. Лекин...

Бугунги кунда меъмору усталарнинг меҳнати билан театр биноси қайта тикланмоқда. Тез орада унинг калити санъаткорларга тантанали равишда топширилади.

Карвон бехатар бўлмас деганларидек, мустақил тараққиёт йилларида қабиҳ мақсадли қора кучлар томонидан Тошкент, Бухоро, Андижон воқеалари каби, бир неча бор юртимизга қарши террорчилик хуружлари уюштирилди. Аммо бу ёвуз ниятли кимсалар ўз мақсадларига етолмади, етолмайди ҳам. Оқ- қорани таниган, имон-эътиқоди мустаҳкам, ориятли юртдошларимиз ҳамиша, ҳатто оғир дамларда ҳам ўзи туғилиб ўсган, аждодлари ҳоки поки ётган мана шу заминга содиқ эканликларини намоён этиб келмоқдалар. Чунки, Президентимиз ибораси билан айтганда, «Тарихий илдизлари бақувват халқни йўлдан оғдириб бўлмайди».

Бу ҳақиқатни мустақил Ўзбекистонимизнинг янги тарихи исботлаб турибди.

Ватанимиз истиқлолининг қутлуғ ўн беш йиллик санаси яқинлашиб келаётган ҳозирги кунларда мамлакатимиз босиб ўтган мураккаб ва шарафли йўлга яна бир бор назар ташлашимиз, унинг пасту баландини, бу йўлда халқимиз, миллатимиз қўлга киритган ютуқ ва марраларни, дуч келган синовларни хаёл кўзгусидан ўтказишимиз табиий. Ва бу жараёнда, қувончли ва ташвишли дамларда Президентимиз Ислом Каримовнинг юқоридаги каби одамнинг юрак-юрагига етиб борадиган теран маъноли, ҳаётбахш сўзлари биз учун куч-қудрат манбаи, маънавий мадад бўлмоқда. Бугун аҳоли ўртасида олиб борилаётган маърифий-маънавий ҳамда тарғибот ишларида улар дастуриламал вазифасини бажармоқда.

**Аҳмад ХЎЖА**
**(ЎзА)**

**Пойтахтимизда махсус мактаб-интернат ва «Мурувват» уйларида тарбияланувчи ногирон болаларнинг махсус олимпия ўйинлари доирасида футбол мусобақалари бошланди. У Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар ва Миллий олимпия қўмиталари, «Соғлом авлод учун», «Sen yolg'iz emassan» жамғармалари каби ташкилотлар кўмагида ўтказилмоқда.**

# СПОРТ, МЕҲР ВА БАҒРИКЕНГЛИК БАЙРАМИ



Тадбирнинг очилишида юртимизда аҳолини спортга оммавий жалб этиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, ёш авлодни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашга қаратилаётган улкан эътибор самараси ўлароқ, ҳамюртларимиз қатор халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.



Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган болалар, ёлғиз кексалар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизими жорий этилган. Шунингдек, ногирон болаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратиш, махсус интернатларда таълим олаётган, мурувват уйларида яшаётган ногирон болаларнинг жисмоний ривожланишини такомиллаштириш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилаётир. Пойтахтимизда бошланган мазкур мусобақа ҳам ана шундай тадбирлар сирасидандир.

Футбол бўйича мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри вакиллари - 220 нафар бола икки кун давомида ўзаро куч синашади.

Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

**(ЎзА)**



Куни кеча Оҳангарон шаҳрида яна бир маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Бу ерда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси ҳамда Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида хассос хонанда, моҳир актёр, иқтидорли рассом, ўзбек миллий эстрада қўшиқчилигининг асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров таваллудининг 70 йиллигига бағишланган илмий-ижодий анжуман ва хотира концерти ўтказилди.

## ОҲАНГАРОНДА САНЪАТ АНЖУМАНИ

Унда Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Равшан Юнусов, санъатшунослик фанлари доктори Оқилхон Иброҳимов, Ўзбекистон халқ артистлари Ортиқ Отажонов, Хайрулла Лутфуллаев, Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Фарруҳ Зокиров, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳасан Ражабий, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Юнус Тўраевлар сўзга чиқиб, Ботир Зокировнинг ҳаёти ва унинг бой ижодий мероси ҳамда санъаткор ҳақида ўз хотираларини сўзлаб бердилар. Анжуман сўнггида Фаррух Зокиров ушбу тадбир ташкилотчилари — Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият ва спорт ишлари бўлими, Б.Зокиров номидаги шаҳар болалар мусиқа мактаби жамоаларига Зокировлар сулоласи номидан самимий миннатдорчилик билдирди.

Сўнгра, барча иштирокчилар Оҳангарон шаҳар «Цементчи» ўйингоҳида бўлиб ўтадиган хотира концертига таклиф қилинди. Республикамизнинг таниқли санъат дарғалари иштирокидаги катта концерт дастури жуда мароқли ўтди. Уларнинг ҳар бир чиқишларини томошабинлар қизғин олқишлар билан кутиб олишди.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ҲАЙРАТ

(Боши 1-бетда)

Отахон иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган айрим қишлоқдошларининг исмишарифини ўқиб, кўзига ёш олди. «Урушнинг оти ўчсин, улар эрта хазон бўлдилар» дея хўрсиниб қўяр эди.

Ҳожи ота билан Мустақиллик майдонини анча айландик. Ҳар бир иншоотга узоқ тикилиб, «Бундай иншоотларни қурса бўларкан-ку, бунёдкорларга раҳмат» деб қўярди.



**Бурҳон ЎРИНОВ,**
**Жомбой тумани Марказий шифохонаси шифокори:**

— Мустақилликнинг дастлабки йиллари тиббиёт институтини тугатганман. Мана бир неча кундирки, Тошкентда малака ошириш курсида ўқияпман. Бўш пайтларимда шаҳар айланаман. Қисқа фурсатда жуда катта ўзгаришлар бўлибди. Кўриб, ҳайратга тушаяпман. Мустақиллик майдонидаги бунёдкорлик ишлари мени лол қолдирди. Кундузи офтобда, қош қорайганда эса беҳисоб чироқларнинг нурларида жилоланадиган устунлар, уларнинг устидаги лайлаку турналар, Мустақиллик ва эзгулик монументи сари бошловчи оппоқ мармар йўлак қалбларда эзгу туйғуларни уйғотади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури доирасида туманимизда ҳам кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари қилинмоқда. Қишлоқларда врачлик пунктлари қурилиб, жиҳозланмоқда. Тиббиёт масканларига миллиардлаб сўмлик тиббий асбоб-ускуналар келтирилаяпти.

**Мурод НУРҚОБИЛОВ,**
**Дўстлик туманидаги 4-мактаб директори**

— «Қувноқ стартлар» телемусобақасида қатнашиш баҳонасида ўқувчиларни Тошкентга олиб келгандик. Ўйиндан бўш пайтларимизда шаҳар айланамиз, денг. Айниқса, Мустақиллик майдони бизда катта таассурот қолдирди. Сенат, ҳукумат биноси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбони буларнинг барчасини истиқлол рамзи дейиш мумкин. Ўзим Тошкентда институтда ўқиганман. Ўша пайтда биринчи май парадида шу майдондан ер тепиб ўтардик. Чарчаб-ҳориб ётоғимизга келардик, хуллас, байрам татимасди. Минг бора шукроналар айтмоқ лозимки, эндиликда жонажон Тошкентимизнинг у ҳам ўз рамзи бор.

Ушбу табаррук маскан, ҳеч шубҳасиз, бутун халқимиз учун, авваламбор, ёшларимиз учун энг мўътабар қадамжо бўлиб қолишига ишонаман. Айни пайтда у хорижий меҳмонларимиз учун ҳам зиёратгоҳга айланади, деб умид қиламан, деган эди Президентимиз.

Ҳа, албатта шундай бўлади. Зеро, шоир айтганидек:

***Аёллар юзида - Ватан кўзгуси,***
***Аёл кулиб турса - демак у бахтли.***
***Аёлнинг гуллардек турфа орзуси,***
***Эзгулик шонига у мангу ҳақли!***
***Буюк келажакнинг илдизи унган,***
***Яшнайвер, Ватаним, чўққилар сари.***
***Истиқлол Аркининг кафтига қўнган***
***Парвозга шайланган Лайлак сингари!***

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири

### Футбол

# ҚАНДИНГНИ УР, «ПАХТАКОР»! ҚОЙИЛ, «МАШЪАЛ»!

***Бундан икки ҳафта муқаддам Осиё чемпионлар лигаси баҳслари доирасида ҳамюртларимиз намойиш этган икки ўйин натижасидан ҳам хушнуд, ҳам қаттиқ оғринган эдик. Сабаби «Пахтакор» Эрон вакили «Фулад» билан куч синашиб, тарозу палласини ўз томонига оғдириб олган бўлса, «Машъал» Саудия Арабистони чемпиони «Ал-Ҳилол» билан кечган учрашувда ҳар томонлама мағлубиятга учратилганди.***

Мазкур жуфтликлар яна рўбарў келдилар. Фарқи шуки, фақат бу гал «Пахтакор» сафарда, «Машъал» эса ўз уйида тўп сурди. Лекин аввалги таассуротдан кўп жиҳатдан фарқланувчи ҳолат юзага келди. Яъни, «Пахтакор» ҳам, «Машъал» ҳам ўз мухлисларини мамнун этишди.

Ғалаба ҳамиша ёқимли. Агар бу муваффақият кучли жамоалар билан ўтказилган муросасиз курашда қўлга киритилса, икки карра қувончлидир. Ҳеч бир муболағасиз айтишимиз мумкинки, ҳамюртларимизга рақиблик қилган клублар ҳақиқатан ҳам ўз ўйини ва ўз сўзига эга бўлган футболчилардан ташкил топганлиги мазкур ғалаба қадрини янада оширади.

Яна бир гап. «Машъал» эришган ғалаба ҳам, «Пахтакор» ўз устунлигини ўрната билган учрашув ҳам жамоа мураббийлари хато-камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш иқтидорига эга эканликларини тасдиқлади. Ҳар икки устоз — Валерий Непомняший ва Виктор Жалилов айни вақтда мамлакат терма жамоаси мураббийлари эканлиги учун ҳам бу зафарли юришлар кўнгилга таскин беради.

Бевосита учрашувлар ҳақида гапирадиган бўлсак, «Машъал» футболчилари ҳар қачонгидан-да шиддаткор ўйнашга ҳаракат қилишди. Зафар Холмуродовнинг сафга қайтиши эса Шуҳрат Мирхолдиршоевнинг юмушларини осонлаштирди. Қолаверса, сафарда дарвозада ҳаракат қилган Цой ўрнига Павел Бутенко туширилганлиги ҳимоя чизиғида ишонч билан ўйнаш имконини берди.

Лекин спортда омад деган нарсалар ҳам бор. Биринчи бўлим тўлалигича муборакликлар устунлигида кечган бўлишига қарамай, тўп «Ал-Ҳилол» дарвозасидан жой олишни хоҳламади. Гоҳ дарвозабоннинг маҳорати, гоҳ ҳужумга отланган майдон эгаларининг пала-партиш ҳаракатлари туфайли орзиқиб кутилган дамларни иккинчи бўлимга қолдиришга тўғри келди.

Гарчанд ҳакамнинг учрашув тугаганлигини билдирувчи ҳуштаги чалинганда таблода 2:1 ҳисоби порлаб турган бўлсада, у янада салмоқли бўлиши мумкин эди. Бундай ҳол юз бермаганлиги учун, афсуски, нафақат футболчиларимиз, шунингдек, ҳакам ҳам айбдордир. «Машъал» сафардаги ўйинни ўн киши бўлиб якунлаганидан хабарингиз бор, ўз уйида ўтказилган учрашувда эса икки футболчи майдонни тарк этди. Бунга икки сабаб бўлиши мумкин: ё чиндан ҳам муборакликлар анчайин қўпол ўйнашади ё ҳакамларнинг қатъийлиги ўзбекистонлик жамоаларга қолганда ортиб кетади. Нима бўлганда ҳам бундан буён ана шу жиҳатларни инобатга олган маъқул.

Юқорида зикр этганимиздек, «Пахтакор» ҳам ғалаба нашидасини сурди. Ўйин бошидаёқ жароҳат олиб майдонни тарк этишга мажбур бўлган Игнатий Нестеров ўрнига туширилган Темур Жўраевнинг тажрибасизлиги панд бериб, «Фулад» 1:0 ҳисобида олдинга чиқиб олган бўлса-да, танаффусдан сўнг ҳаммаси жойига тушди. 46-, 47- ва 60-дақиқаларда Ринат Байрамов, Владислав Кирьян ва Зайниддин Тожиевлар томонидан кетма-кет киритилган голлар амалдаги чемпионимиз яхши спорт формасида эканлигини тасдиқлади.

Ҳисоб янада йирикроқ бўлиши мумкин эди ёки бунинг аксича, минимал ҳолатда якун топиши ҳам мумкин эди. Лекин футболчиларимиз қулай вазиятлардан фойдалана олмагани ва айни пайтда иккинчи бўлимда ўз ҳаяжонини жиловлай билган ёш дарвозабонимизнинг анча йиғинчоқлик кўрсатиб ўйнаганлиги бунга йўл бермади. Шу маънода ушбу халқаро учрашув Т.Жўраев учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтади, десак ҳеч муболаға эмас. Яна бир ҳафтадан сўнг, аниқроғи, 3 майда қитъа чемпионлар лигасининг навбатдаги тур ўйинларини томоша қилишимиз мумкин бўлади. «Пахтакор» яна сафарда — бу гал Суриянинг «Ал-Иттиҳод» клуби билан, «Машъал» эса яна ўз майдонида — бу гал Ироқнинг «Ал-Минаа» жамоаси билан ўйнайди. Ҳамюртларимиз зафарли юришларини давом эттирадилар, деган умиддамиз.

**М.ИБРОҲИМОВ**

**"А" гуруҳи**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Пахтакор | 4 | 3 | 0 | 1 | 8-3 | 9 |
| 2. Ал-Қодисия | 4 | 2 | 1 | 1 | 5-9 | 7 |
| 3. Фулад | 4 | 1 | 1 | 2 | 7-5 | 4 |
| 4. Ал-Иттиҳод | 4 | 0 | 2 | 2 | 2-5 | 2 |

**"В" гуруҳи**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Ал-Айн | 4 | 3 | 1 | 0 | 7-3 | 10 |
| 2. Машъал | 4 | 2 | 1 | 1 | 4-7 | 7 |
| 3. Ал-Ҳилол | 4 | 2 | 0 | 2 | 9-5 | 6 |
| 4. Ал-Минаа | 4 | 0 | 0 | 4 | 3-8 | 0 |

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал -маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, касаба уюшмаси Хоразм вилоят вакиллиги, вилоят ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари «Хива-Карпет» қўшма корхонасининг касаба уюшма қўмитаси раиси **Озода ОТАЖОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

Тиражи: 15408 Буюртма Г— 614

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди -

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

123456